



Тугилган санаси: 1828 йил 22 октябрь (3 ноябрь)

Тугилган жойи: Бендер, Бессарабия вилояти, Россия империяси

Вафот этган санаси: 1898 йил 4 (16) август (69 ёшида)

Вафот этган жойи: Могилёв губернияси, Россия империяси

Фаолияти: сиёсатчи, журналист

Фукаролиги: Россия империяси

Кўшин тури: пиёда кўшин

Хизмат йиллари: 1840—1886

Унвони: генерал-лейтенант

Лавозимлари:

Туркистон вилояти харбий губернатори (1865—1866)

Сербия армияси бош кўмондони (1876)

Туркистон генерал-губернатори (1882—1884)

Катнашган жанглари ва урушлари:

Венгрия юриши,

Крим уруши,

Кавказ уруши,

Туркистон юришлари,

Сербия—Туркия уруши (1876—1877)

Мукофот ва орденлари:

III даражали Мукаддас Георгий ордени

III даражали Мукаддас Владимир ордени

IV даражали Мукаддас Владимир ордени

I даражали Мукаддас Анна ордени

II даражали Мукаддас Анна ордени

III даражали Мукаддас Анна ордени

Киличлар билан I даражали Мукаддас Станислав ордени

II даражали Мукаддас Станислав ордени

«Жасорат учун» ёзувли олтин курул

Олмослар билан безатилган олтин курул

Таково Хочи орденининг Катта Хочи

Михаил Григорьевич Черняев (1828 йил 22 октябрь (3 ноябрь) — 1898 йил 4 (16) август) — рус харбий ва сиёсий арбоби, генерал-лейтенант, Туркистон генерал-губернатори, Сербия армиясининг (Сербия армияси Морава корпусининг[1]) бош кўмондони.

У Туркистонни босиб олиш ва ўзлаштиришнинг йигирма йил давом этган даврини бошлаб берди ва уни якунлади. Черняевнинг харбий ютуқлари каторида Ўрта Осиёнинг энг катта шахри — кейинчалик Рус Туркистонининг пойтахтига айланган Тошкентни[2]

эгаллаши хам бор. Бу ишни бошликларининг рухсатисиз амалга оширгани учун хизматдан бўшатишган (Тошкентни рахбариятнинг рухсатисиз эгаллаган)[1]. Унинг шухратининг энг юкори чўккиси 1876 йилда Сербия армияси бош кўмондони сифатидаги фаолияти бўлиб, ўша пайтда Черняев номи славян биродарлиги ва бирлигининг ўзига хос рамзига айланган.

Фаолиятининг бошланиши

1828 йил 21 ноябрь (3 декабрь) куни Бендер шаҳрида камбагал дворян оиласида тугилган. Икки ёшидан бошлаб отасининг Могилёв губерниясидаги Тубишки кишлогига жойлашган мулкида яшаган ва тарбияланган. Отаси — 1812 йил Ватан уруши қаҳрамони Григорий Никитич Черняев (1787—1868), онаси — француз аёли Aimee Esther Charlotte Lesuyer (1800, Le Quesnoy — 1876, Бердянск). Акаси — рус ҳарбий кўмондони Николай Григорьевич Черняев.

1840 йилдан Дворянлар полкида тарбияланган[3]. 1847 йил август ойида лейб-гвардия Павлов полкига прапорщик унвони билан чиқарилган. Кичик Валахия отряди таркибида 1849 йилги Венгрия юришида қатнашган. Подпоручик унвони билан Бош штаб академиясига ўқишга кирган ва унинг курсини 1851 йилда тугатган[4]. 1853—1867 йилларда Бош штабда хизмат қилган. 1853 йилда Дунай армиясининг 4-пиёда корпуси штабига тайинланган[5] ва Дунай ҳарбий юришида иштирок этган.

Крим уруши

1854 йил кузида 4-корпус таркибида князь Меншиковга ёрдам бериш учун Кримга юборилди. 1854 йилда жанглардаги хизматлари учун бантли III даражали Мукаддас Анна ордени билан тақдирланди. Севастопол яқинида гарнизоннинг барча ҳарбий ҳаракатларида иштирок этди. Бу иштирок 1854 йил 24 октябрдаги Инкерман жангидан (Кримга қелиши биланок) бошланди. Ушбу жангдаги жасорати учун ўша куни капитан унвонига кўтарилди, кейин эса IV даражали Мукаддас Владимир ордени билан тақдирланди. Аввалига генерал Хрулёв ҳузурида хизмат қилиб, асосан Малахов кўргонида ҳаракат қилди. Хрулёв яралангач, Черняев бевосита адмирал Нахимов тасарруфига ўтди ва унинг энг хавфли топшириқларини кўркмасдан бажарди. «Севастополни қаҳрамонона ҳимоя қилишдаги алоҳида хизматлари, жасорати ва ибратли матонати ҳамда 1855 йил 27 августдаги ҳужумни қайтаргани учун» унга «Жасорат учун» ёзувли олтин қурол топширилди ва подполковник унвони берилди.

Севастопол ташлаб чиқилаётган пайтда Черняев рахбарият топшириги билан рус кўшинларини Шимолий кўлтик орқали ўтказиб бўлгач, барча понтон кўприқлар ажратиб юборилганидан кейин кўлтиқни қайикда энг охири бўлиб қесиш ўтди.

Сирдарё вилояти. Генерал-майор М. Г. Черняев Тошкентни эгаллагач (1865) яшаган уй[6][7][8]

Туркистонда

Уруш тугагач, 3-пиёда дивизияси штаби бошлиги бўлди, кейин эса Оренбург генерал-губернатори А. А. Катенин ихтиёрига ўтказилди.

1858 йилда Н. В. Хаников, Н. П. Игнатъев ва Г. Г. Валихановнинг Эрон, Ўрта Осиё хонликлари ҳамда Кашгарга килган миссиясида коровул отряди кўмондони сифатида иштирок этди. Черняев ва 1-даражали капитан А. И. Бутаков Кўнгиротгача етиб боришга муваффақ бўлдилар, шу билан бирга Амударё дельтасини ўрганиб, унинг яхши харитасини туздилар[9].

Шунингдек, А. И. Бутаковнинг Орол денгизига килган иккинчи экспедициясида ҳам катнашди, Хива хонига қарши кўзголон кўтарган Кўнгирот аҳолисига ёрдам бериш учун юборилган отрядга кўмондонлик килди.

1859 йил охирида Туркистонни тарк этди. Чунки Франция ва Сардиниянинг Австрия-Венгрия билан Европада бошланиши кутилган уруши муносабати билан Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиёдаги ҳужум режасини рад этди ва Кўкон, Хива ҳамда Бухорога қарши жиддий ҳарбий юришлар номаълум муддатга қолдирилиши аён бўлди[10].

1859 йилда граф Н. И. Евдокимов ихтиёрига Кавказга юборилди; 1860 йил 16 декабрдан Терек вилояти кўшинларининг обер-квартирмейстери бўлди; 1861 йил 30 августда полковник унвонини олди. Кавказ тинчлантирилгач, яна Оренбург ўлкасида генерал А. П. Безак ҳузурида штаб бошлиги лавозимида хизмат килди. 1864 йилда бошқирдларни бошқариш масаласида Безак билан келишмовчилик чиққанлиги сабабли Санкт-Петербургга қайтди. Шу пайтда Ўрта Осиёнинг шимолида Оренбург ва Сибирь мустахкамланган чегара чизикларини боғловчи йўлни ташкил этиш режалаштирилган эди. Бунинг учун ўша вақтда Кўкон хонлиги таркибига кирган оралик ҳудуддаги бир нечта мустахкам қўргонларни эгаллашга қарор қилинди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш полковник Черняевга топширилиб, у Алоҳида Гарбий Сибирь отряди (ОГСО) бошлиги этиб тайинланди.

1864 йилда ОГСО шакллантирилаётган Верний ҳарбий мустахкам пунктига келгач, Черняев жуда чекланган воситалар билан ўз вазифасини бажаришга киришди. Экспедиция харажатлари Гарбий Сибирь округининг интендантлик маблаглари қолдиқлари ҳисобидан қопланиши керак эди. Генерал-майор Черняевнинг кичик отряди Авлиёта қалъасини эгаллади ва 1864 йил сентябрида забот этиб бўлмайдиган, деб ҳисобланган Чимкентни штурм билан олди. Кўшинлар шаҳарга сув қувури орқали, қалъа деворидаги гумбазсимон тешиқдан кириб бордилар. Душманнинг шаҳар деворлари ичида тўсатдан пайдо бўлиши гарнизонни шунчалик қўрқитиб қўйдикки, у деярли қаршилик кўрсата олмади. Чимкентнинг олиниши учун Черняев III даражали Мукаддас Георгий ордени билан тақдирланди. Бу тақдирлаш ўзига хос ҳолат бўлди, чунки 1833 йилги Георгий ордени низомига кўра, IV даражани олмасдан туриб юқори даража билан мукофотлаш тақдирланган эди.

Тошкентнинг штурм қилиниши

Асосий мақола: Генерал Черняев қўшинлари томонидан Тошкентнинг эгалланиши

1865 йил апрель ойида Черняев Тошкентга юриш қилди, аммо шаҳарни дарҳол эгаллай олмади ва чекинишга мажбур бўлди. Шундан сўнг унга махсус буйруқ чиқмагунча кейинги уринишлардан тийилиш кўрсатмаси берилди. Бироқ бухоролик қуролли отрядлар ҳаракатлари туфайли юзага келган ҳавфли вазиятни ҳисобга олиб, Черняев ўз таваққалига иш қўришга қарор қилди ва 1865 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси Тошкентни штурм билан эгаллади. Янги Оренбург генерал-губернатори Н. А. Крижановский Туркистон вилоятига ҳарбий мустаҳкам иншоотларни қўздан кечириш учун бормокчи эканини маълум қилгач, Качаловнинг қайд этишича, Черняев Крижановский «қўшинларни ўзи бошлаб Тошкентга юриб, шаҳарни эгаллаб, графлик унвонини олар, биз эса меҳнат қилганлар аҳмок бўлиб қолармиз», деб ҳавотирланган.

Рус қўшинлари сони 12 та тўп билан икки минг нафардан ошмас эди. Улар юз минг аҳолиси ва 15 минггача ҳимоячиси бўлган шаҳарни эгалладилар. 63 та тўп, жуда кўп миқдорда порох ва қурол-яроғ қўлга киритилди.

Аввалроқ янги ташкил этилган Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланган генерал Черняев Тошкентни Бухорога тегишли деб ҳисоблаган ва уни бўшатишни талаб қилган Бухоро амирининг душманона ҳаракатларига қарши қоралар қўришга тайёрланаётган эди. Ўрта Осиёда катта мураккабликлар қутилар, Британия дипломатияси эса бу воқеаларга жиддий ҳалқаро тус беради. 1866 йил июль ойида Черняев қақариб олинди ва унинг ўрнига генерал Д. И. Романовский тайинланди.

«Русский мир»

1867 йил 16 майда истеъфога чиқарилди. Шу йил охирида расман яна хизматга қайтарилди ва 1875 йилгача Варшава ҳарбий округи қўшинлари қўмондони ихтиёрида бўлди.

М. Г. Черняев, 1870-йиллар боши

Оиласини таъминлаш учун маълум бир машғулот ва даромадга эга бўлиш мақсадида[11], Черняев Москвада нотариус бўлишга қарор қилди. Бунинг учун талаб этилган имтиҳондан муваффақиятли ўтди ва нотариал идора очишга тайёрланаётган эди. Бироқ жандармлар бошлиги граф Шуваловдан келган хабар туфайли бу ниятидан воз кечишга мажбур бўлди.

1873 йилда Черняев консерватив йўналишдаги «Русский мир» газетасини сотиб олди ва газетачилик билан жиддий шугуллана бошлади. Бу даврда унинг маслакдоши генерал Р. А. Фадеев бўлиб, улар Кавказдаги хизмат пайтиданок дўстлашган эдилар. Фадеев газетада «Биз ким бўлишимиз керак?» умумий сарлавҳаси остида қатор мақолалар чоп этди. Черняев ички сиёсат масалаларига унча қизиқмас эди, аммо ўзини ҳарбий-канцелярия тузуми ва Петербург дипломатиясининг қурбони деб билгани учун Иван Аксаков атрофида тўпланган Москва славянофил ватанпарварлари доирасига ҳамфиқр бўлиб, уларнинг бюрократия ва чет элчиликка нисбатан нафратини баҳам

кўрарди. У граф Милютиннинг харбий ислохотлари ва янгиликларининг катъий ракиби бўлиб, уларни ташки таъсирда юзага келган бюрократик ижод маҳсули деб ҳисобларди. Марказий бошқарувдаги кўплаб камчиликларни немислар таъсири билан изоҳлар, чунки унингча, хакикий рус унсурлари мамлакатнинг миллий манфаатлари ва эҳтиёжларига зид бўлиши мумкин эмас эди.

Сербия армияси бош кўмондони

1875 йил баҳорида Герцеговинада кўзғолон бошланганда, Черняев уни славянлар тақдири билан боглик йирик халқаро инкирознинг бошланиши сифатида кўрган биринчи шахслардан бири бўлди. Усмонлилар ҳукмронлиги остидаги насронийларни химоя қилиш ҳаракати мақсадларини қўллаб-қувватлаб, у тез орада Сербия ҳукумати билан алоқа ўрнатди ва князь Милан Туркияга қарши режалаштирган харбий юришга раҳбарлик қилиш учун Белградга таклиф этилди.

Сербия армияси бош кўмондони генерал-майор М. Г. Черняев. 1876 йил

Россия дипломатияси ушбу махфий музокаралардан хабар топгач, Черняевга (у 1875 йил 20 июндан истеъфода эди) Петербургдан хорижга чиқишга рухсат бермаслик қарарини кўрди. Унинг устидан кузатув ўрнатилди ва хориж паспортини бериш рад этилди. Черняев Москвага Михаил Алексеевич Хлудов ҳузурига келди. Хлудов генерал-губернатор девони орқали ўзига ҳам, Черняевга ҳам хориж паспорти олиб берди. Уни чегарада ушлаш ҳақида телеграф орқали юборилган буйруқ кечикиб етди ва 1876 йил июнь ойида Черняев аллақачон Белградда эди. Хлудов у ерда ҳам ундан ажралмай юрди. Черняевнинг Сербия бош армияси бош кўмондони этиб тайинлангани ҳақидаги хабар Сербияга кўнгиллилар оқими келтириб чиқарди ва сербларнинг ҳаракатини бутун рус миллий иши даражасига кўтарди. Урушнинг бориши славянофилларнинг кизгин умидларини оқламади, аммо Россия дипломатиясининг тинчликпарвар режаларига қарамай, Россиянинг турк-болкон воқеаларига аввал дипломатик, кейин эса харбий аралашувига олиб келди.

Сербиядан чиқиб кетар экан, славянларни химоя қилиш иши Россия химоясига ўтганига ишонган ҳолда Прагада йўл олди. Унинг Прагада пайдо бўлиши Австрия-Венгрия ҳукуматини ваҳимага солди. Австрия ҳукумати Черняевни славян бирдамлигининг вакили деб ҳисоблаб, унинг дархол империя ҳудудини тарқ этишини талаб қилди.

1876 йилда М. Г. Черняев номи Россия ва бошқа славян мамлакатларида ниҳоятда машҳур эди. У славян бирлиги ва биродарлигининг ўзига хос рамзи, славян озодлиги учун курашнинг бош етакчиси сифатида қабул қилинарди.

Шу билан бирга, Черняев давлат тўнтаришини амалга оширишни режалаштирган бўлиб, бу Сербияни Россиянинг мустақкам назорати остига қўйиши керак эди. Черняевнинг сўзларига кўра, бу ҳолда: «Россиянинг Сербияга таъсири хакикий бўлади ва мустақкам асосларга таянади. Давлат бошлиғи ҳам, бутун халқ ҳам Россияга хайрихоҳ. Вазирларни аста-секин россияликлар орасидан тайинлаш мумкин бўлади. Душман партиялар йўқолади ва славян давлатларидан бири амалда Россия вилоятига айланади». Шу

максадда Черняев князь Миланни бир томонлама тарзда подшоҳ деб эълон килишга эришишга уринди. Унинг хисоб-китобида кўра, бу Сербия—Туркия тинчлик музокараларининг узилишига ва Россиянинг дархол урушга киришига олиб келиши керак эди. Бирок князь Миланнинг позицияси бу режаларнинг амалга ошишига йўл қўймади. Черняевнинг панславистдан кўра кўпроқ панрусист бўлганини унинг 1877 йил январь ойида И. С. Аксаковга айтган куйидаги очик баёноти ҳам тасдиқлайди: «Агар уруш бошида менда бир миллион рубль бўлганида, Сербияни Россия ҳукумати қўлидаги жуда фойдали курулға айлантира олардим». Черняев шахсий шухратга ҳам интилар эди: «Агар славян иши галаба килса, мен тарихга славянларнинг Вашингтони сифатида кирман»[12].

1877 йил 17 апрелда Рус—Турк уруши бошланиши билан у яна Бош штаб хизматида қабул қилиниб, амалдаги армияга юборилишни истади. Бирок у Европа ҳарбий театрида штатдан ташқарида қолдирилиб, буюк князь Михаил Николаевич ихтиёрига берилди. Кейин Кавказга жўнади, аммо у ерда ҳам ҳеч қандай тайинлов олмади.

«Русский мир» газетаси муваффақият қозона олмади ва 1878 йилда Черняев газетага оид мажбуриятлардан қутулиб, уни бошқаришни Е. К. Рапп ва Л. З. Слонимскийга топширди.

Яна Туркистонда

1882 йилда, қўп йиллик мажбурий фаолиятсизликдан сўнг, Черняев Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланди. 1883 йилда Тошқентга кетаётиб, эски диний эътиқодига содиқлиги учун Орол денгизи соҳилига қўчирилган Урал казакларининг тақдирига ҳам эътибор қаратди.

Черняев бу лавозимда атиги икки йилча ишлади. Гийбатчиларнинг таъкидлашича, у на маъмурий маҳоратни, на ходимлар ва ишончли шахсларни танлаш санъатини намоён эта олган. Унинг яқинларидан бири Всеволод Крестовский генерал Кауфман даврида Тошқентда ташқил этилган жамоат кутубхонасини «зарарли либерал китоблар»дан тозалашни лозим деб ҳисоблади. Натижада қатта меҳнат билан йиғилган кутубхона амалда йўқ қилинди ва бу маҳаллий рус амалдорлари орасида норозиликка сабаб бўлди.

1882 йилда Черняев ҳарбий-илмий максадларда кичик отряд билан Устюрт платосини қесиб ўтди.

Консерватив лагер маслаҳатчилари таъсирида Черняев ўлкадаги барча суд ишлари бўйича олий апелляция ва кассация инстанциясини ўз шахсида (аниқроғи, ўз канцеляриясида) жамлади. Сенат бу ҳақда сўров ёки эътироз билдирганда, у бепарво ва менсимаслик руҳидаги ноаниқ жавоблар қайтарди, натижада тез орада ўз лавозимини тарк этди.

Истеъфода

1884 йилдан Ҳарбий кенгаш аъзоси бўлди, 1886 йилда ҳарбий вазир лойиҳаларини

танкид килганидан сўнг истеъфога чикди, 1890 йилдан яна Харбий кенгаш аъзоси бўлди. 1898 йил 4 август куни Могилёв губерниясидаги Тубишки номли ота-бобо мулкида вафот этди.

Генералнинг кабри сакланиб қолган ва парвариш қилинади. 2012 йилда унга портрети туширилган янги кабртош ўрнатилди. Круглянский тарих-ўлкашунослик музейида М. Г. Черняевга бағишланган мемориал хона ташкил этилган. 2017 йил 9 июнда Могилёв вилояти Круглян туманидаги Лисковщина қишлоғида Сербия Республикасининг Беларусь Республикасидаги Фавкулодда ва Мухтор Элчиси В. Ковачевич иштирокида М. Г. Черняевга хайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

А. И. Деникин унинг истеъфодаги даврини қуйидагича тасвирлайди:

> «Шундай қилиб, армия, халқ ва жамоатчилик эҳтироми билан юксалган Ок генерал — Скобелев олдинга чиқди. Унинг яна бир муносиб замондоши Черняев эса сояда қолди. Тошкентни забт этган қўмондон истеъфода, аламли фаолиятсизликда, ночор пенсия билан яшарди. Бу пенсиядан ҳам турли бемаъни, мутлақо расмий бахоналар билан ушлаб қолишарди. Черняев эса алам билан шундай деб ёзарди: «Ўзимга тасалли сифатида шубҳасиз шуни айта оламаники, Россия тахти пойига улкан ва бой ўлкани бўйсундириш ишини мен нафакат арзонга, балки қисман ўз ҳисобимдан ҳам амалга оширдим». (Черняевнинг икки йиллик юришлари давлат хазинасига атиги 280 минг рублга тушган эди.)»[13]

Оиласи

Хотини (1866 йилдан) — Антонина Александровна Вулферт[14] (1842—1919), унинг хизматдоши Г. Вулфертнинг синглиси, адиб Александр Вулфертнинг кизи. Александр Невский лавраси кабристонида дафн этилган.

Оиласида етти нафар фарзанд тугилган. Икки фарзанди — ўғли Михаил ва кизи Елизавета саккиз ёшида (1884 йилда) вафот этган. Михаилнинг чўкинтирган отаси Сербия қироли Милан Обренович бўлган.

Ўғли — Александр (1871—1911, дуэлда ўлдирилган), лейб-гвардия Волин полки полковниги.

Кизлари:

Антонина (Нина, 1869—1955, Хельсинки), журналист. Отаси ҳақида хотиралар ёзиб қолдирган. Октябрь инқилобидан кейин мухожирликка кетган. Аввал Сербияда, кейин Финляндияда яшаган.

Вера (1873—1942, Ленинград), турмушга чиққач Христианович фамилиясини олган. Болкон урушлари вақтида В. М. Христианович Санкт-Петербург Славян хайрия жамиятининг аёллар бўлимига раҳбарлик қилган[15]. Камал пайтида вафот этган[16]. Унинг ўғли — Михаил Алексеевич Христианович (1897—1942) ҳам камал пайтида вафот

этган.

Эгизаклар — Надежда ва Татьяна (27.06.1874). Биринчи жаҳон уруши даврида Татьяна Михайловна Черняева раҳм-шафкат хамшираси бўлган. 1922 йилда хибс қилиниб, Тюменьга сургун қилинган[17]. Опаси Надежда у билан бирга боришга рухсат олган. Т. М. Черняева 1922 йил 8 ноябрда Тюмень камокхонасида вафот этган. Надежда Михайловна синглиси вафотидан кейин Петроградга қайтган. Сергей соборининг жамоат аъзоси ва ота Фёдор Андреевнинг маънавий шогирди бўлган. Рухоний вафот этиб, унинг хотини хибсга олингандан кейин, унинг олти ёшли қизлари Мария ва Аннанинг тарбиячиси бўлган. 1962 йилда Ленинградда вафот этган[18], Большеохта қабристонида дафн қилинган.

Фаолиятига баҳо

Черняев кўпроқ табиий зехни ва яхши ички ҳиссиёти билан ажралиб турар, аммо катта истеъдод соҳиби эмас эди. У кўпинча раҳбар шахсларнинг хоҳиш-истаклари ва қарашларига мослаша олмагани ёки мослашишни истамагани учун ўз хизмат фаолиятига зарар етказарди. Шу билан бирга, шахсий муносабатлардаги ҳаддан ташқари нозиклиги баъзан заифлик даражасигача етарди. Ўзи мутлақо ғарзсиз ва ростгўй бўлса-да, атрофида шубҳали ҳалолликка эга одамларни ушлаб турар ва турли майда мансабпараст ҳамда карьерепарастларга ўз номидан иш юритиш имконини берарди. Бу ҳолат Сербия армиясига қўмондонлик қилган даврида ҳам, кейинчалик Туркистон ўлкасини бошқарган қисқа муддатда ҳам унга нисбатан асосли танқидларга сабаб бўлган.

У машҳур ва таъсирли бўлган йилларда унга турли манфаатдор шахслар осонлик билан яқинлашганлар. Унинг хизматини ва садокатини таклиф қилган шахсларга нисбатан ҳаддан ташқари ишонувчанлиги амалий давлат арбоби сифатидаги обрўсига катта путур етказган.

Шубҳа йўқки, Туркистон вилоятини муваффақиятли босиб олганидан кейин хизмат фаолиятининг қутилмаганда тўхтатилиши унинг кейинги қарашлари ва заиф томонларига катта таъсир кўрсатган. У давлатга энг катта хизмат қилган пайтдаёқ четга суриб қўйилди ва бу қутилмаган зарба унинг ички сиёсатга оид гояларида ўз изини қолдирди.

Унинг сиёсий қарашлари Р. А. Фадеев «Русский мир» газетасида илгари сурган назария ва гояларга тўлиқ мос келмас эди. Аслида, Черняев анча жиддий муҳолифат руҳи билан яшар ва айрим славянофил гояларидан мантикий, тўғридан-тўғри ҳулосалар чиқарар эди. Бу ҳулосалар эса сўзнинг асл маъносидаги славянофиллик билан кам умумийликка эга эди.

М. Г. Черняевнинг шахсий архиви Москва шаҳридаги Давлат тарих музейининг Ёзма манбалар бўлимида сақланади.

Унинг шарафига қўйилган номлар

1914 йилда Чимкент шахрига Россия империяси таркибига кўшилганининг 50 йиллиги муносабати билан Черняев номи берилган, аммо 1924 йилда совет ҳукумати шаҳарнинг аввалги номини қайтарган.

Черняевка[19] (1895—1990) — Сирдарё вилоятида, Тошкентдан 20 километр узоқликда жойлашган рус кишлоги. Кейинчалик Жибек-жўли деб қайта номланган. У Козогистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган.

Россия империясининг Самарканд вилояти Хўжанд уездидаги Ўрта Осиё темир йўлидаги Черняево станцияси[20]. Кейинчалик Урсатьевская, сўнг Хаваст (Ўзбекистон) деб қайта номланган.

Оренбург шаҳрида 2010 йилда чегарачи-фахрий Андрей Анатольевич Приказчиков томонидан ташкил этилган Ватан химоячилари халқ музейи генерал Михаил Григорьевич Черняев номи билан аталади.

Михаил Салтиков-Шчедрин ва сўл канотга мансуб бошқа ёзувчилар Черняевни танқид қилганлар. Биринчидан, уларнинг фикрича, «славянлар иши шовкини остида» подшо ҳукумати губернаторларга мажбурий қарорлар чиқарар, нигилизмга қарши курашар ва сиёсий ишлар бўйича оғир меҳнат жазоларини қўллаб, ички сиёсатда реакцион йўлдан борар эди. Иккинчидан, улар Россия империясининг Сербияни қўллаб-қувватлашини мустамлакачилик сиёсати деб баҳолаганлар. Г. Успенский ҳам сўл канот вакили сифатида бу сиёсатда «очкўз капитал» манфаатларини кўрган[21]. Салтиков-Шчедрин «Замонавий идиллия» романида Черняевни «рус Гарибальдиси» деб аталувчи Редедя номли ҳарбий кўмондоннинг сатирик образида тасвирлаган[22][23].

Харбий унвонлари

Хизматга кирган — прапорщик (14.08.1848)[24]

Подпоручик (03.04.1849)

Поручик (19.04.1853)

Бош штаб штабс-капитани (18.08.1853)

Капитан (24.10.1854)

Подполковник (01.01.1856)

Полковник (30.08.1861)

Генерал-майор (12.07.1864)

Генерал-лейтенант (29.04.1886)

Мукофотлари

Круглян тумани Тубишки кишлогигади М. Г. Черняев хайкали

Бантли III даражали Мукаддас Анна ордени (1854)

Бантли IV даражали Мукаддас Владимир ордени (1855)

«Жасорат учун» олтин палаши (1855)

Император тожи билан II даражали Мукаддас Станислав ордени (1862)

Киличлар билан II даражали Мукаддас Анна ордени (1862)
Киличлар билан III даражали Мукаддас Владимир ордени (1864)
III даражали Мукаддас Георгий ордени (1864)
Киличлар билан I даражали Мукаддас Станислав ордени (1864)
I даражали Мукаддас Анна ордени (1865)
«Тошкентнинг эгалланиши учун» деган ёзув ва олмослар билан безатилган «Жасорат учун» олтин шамшири (1865)
Сербиянинг Таково Хочи ордени, Катта Хоч (1876)
Болгариянинг I даражали «Мукаддас Александр» ордени (1896)

Хотираси

Беларусь Республикаси Могилёв вилояти Круглян тумани Тубишки кишлогиди, у дафн этилган собик мулки худудида, черков ёнида М. Г. Черняев хайкали ўрнатилган. Бир оз нарида М. Г. Черняев хаётидаги муҳим воқеалар хақида маълумот берилган мемориал лавҳа жойлашган[25].

Круглян ўлкашунослик музейида М. Г. Черняевнинг хаёти ва фаолиятига бағишланган бурчак мавжуд[25].

Беларусь Республикаси Могилёв вилояти Круглян тумани Лисковщина кишлогиди «Николаевские пруды» экотуризм мажмуаси худудида Сербия миллий қаҳрамонининг бюсти ўрнатилган.

Қаҳрамон шарафига «Славян қўшини генерали» номи китоб ёзилган.

М. Г. Черняев шарафига бир буринга унинг номи берилган (Черняев бурни, Беринг денгизи, Анадир қўлтигидан шимолда. Бу бурин 1881 йилда «Стрелок» клипери экипажи томонидан ўрганилган ва ўша пайтда унга Черняев номи берилган)[26].

Изоҳлар

1. Черняев // Брокгауз ва Ефроннинг Кичик энциклопедик лугати. — 2-нашр, қайта ишланган ва анча тўлдирилган. — 1—2-жилдлар. — Санкт-Петербург, 1907—1909.
2. Глущенко, Е. А. Россия Марказий Осиёда. Истилолар ва ўзгаришлар. Wayback Machine'да 2016 йил 18 январда архивланган нусха. — Москва: «Центрполиграф» нашриёти, 2010. — 575 бет. — («Унутилган ва номаълум Россия. Олтин тўплам»). ISBN 978-5-227-02167-0. — 70-бет.
3. Черняев, Михаил Григорьевич // Брокгауз ва Ефроннинг Энциклопедик лугати: 86 жилдда (82 жилд ва 4 қўшимча). — Санкт-Петербург, 1890—1907.
4. Глиноецкий Н. П. Николаев Бош штаб академиясининг тарихий очерки. Wayback Machine'да 2022 йил 5 февралда архивланган нусха. — Санкт-Петербург: Гвардия қўшинлари ва Петербург харбий округи штаби босмахонаси, 1882. — 72-бет (рўйхатлар).
5. Генерал-майор М. Г. Черняев, 1876 йил. Мурожаат килинган сана: 2020 йил 26 август. 2021 йил 2 ноябрда архивланган.
6. Turkestan Album (Prints and Photographs Reading Room, Library of Congress). Мурожаат

килинган сана: 2022 йил 3 ноябр. 2022 йил 3 ноябрда архивланган.

7. Turkestanskii al'bom. Po rasporiazheniiu turkestanskago general-gubernatora general-ad'iutanta K. P. fon Kaufmana 1-go. Chast' istoricheskaja. Sostavil M. A. Terent'ev. 1871—1872 g. Lit. Voenno-Topogr. Otdiela Turkest. Voen. Okruga. Мурожаат килинган сана: 2022 йил 3 ноябр. 2022 йил 3 ноябрда архивланган.

8. Vsemirnaja illjustracija: 1879, Juli—Dez. — Гоппе, 1879. — 552 бет. — 2022 йил 3 ноябрда архивланган.

9. Глущенко, Е. А. Россия Марказий Осиёда. Истилолар ва ўзгаришлар. — Москва: «Центрполиграф» нашриёти, 2010. — 575 бет. — («Унутилган ва номаълум Россия. Олтин тўплам»). ISBN 978-5-227-02167-0. — 76-бет.

10. Глущенко, Е. А. Россия Марказий Осиёда. Истилолар ва ўзгаришлар. — Москва: «Центрполиграф» нашриёти, 2010. — 575 бет. — («Унутилган ва номаълум Россия. Олтин тўплам»). ISBN 978-5-227-02167-0. — 79-бет.

11. Антонина Александровна Вульферт (1842 — 1919 йил 30 июль, Петроград; Александр Невский лавраси кабристонида дафн этилган (Санкт-Петербург Марказий давлат архиви. Ф. Р-6143. — Оп.1. — Д. 2183. — Л. 71; Д. 2204. — Л. 72—72 оркаси)), адиб ва таржимон Александр Евстафьевич Вульфертнинг кизи билан турмуш курган; кизлари — Надежда Михайловна (1873—1962, Ленинград) ва Татьяна Михайловна (1873—1922/1923?, Тюмень). Иккаласи хақидаги маълумотлар Wayback Machine'да 2022 йил 1 апрелда архивланган.

12. David Mackenzie. Panslavism in Practice: Cherniaev in Serbia (1876) // The Journal of Modern History. — 36-жилд. — № 3 (1964 йил сентябрь). — 285—287-бетлар.

13. А. И. Деникин. Эски армия. Офицерлар. — Москва: Айрис-Пресс, 2006. — 512 бет. — ISBN 5-8112-1902-4.

14. Генерал Михаил Григорьевич Черняевнинг рафикаси, кизнинг фамилияси Вульферт бўлган Антонина Александровна Черняеванинг (1842—1919) портрети // Давлат тарих музейи. Мурожаат килинган сана: 2024 йил 17 май. 2023 йил 4 декабрда архивланган.

15. Модернизация ёки уруш. Болконлардаги инсон Болкон урушлари (1912—1913) арафасида ва даврида. — 3.2. Мурожаат килинган сана: 2024 йил 17 май. 2024 йил 17 майда архивланган.

16. Христианович Вера Михайловна, 1881 йил тугилган. Мурожаат килинган сана: 2024 йил 17 май.

17. Черняева Татьяна Михайловна (1873). Очик рўйхат. Мурожаат килинган сана: 2024 йил 17 май. 2024 йил 17 майда архивланган.

18. Генерал-лейтенант М. Г. Черняев архивидан. LiveJournal. Мурожаат килинган сана: 2023 йил 16 июнь. 2023 йил 16 июнда архивланган.

19. Россия империяси конунларининг тўлиқ тўплами: учинчи тўплам. 1895 йил, № 11209—12354 ва кўшимчалар. — Давлат босмахонаси, 1899. — 1586 бет. — 2022 йил 3 ноябрда архивланган.

20. Дмитриев-Мамонтов А. И. Туркистон ва Тошкент хамда Ўрта Осиё темир йўллари бўйича қўлланма. 1907—1908. Расмий маълумотлар асосида тузилган. — Санкт-Петербург: И. Шурухт босмахонаси, 1913. Мурожаат килинган сана: 2022 йил 3 ноябр. 2005 йил 23 февралда архивланган.

21. Фундаментал электрон кутубхона: Пруцков. Глеб Успенский. — 1956. Мурожаат килинган сана: 2022 йил 4 ноябр. 2022 йил 4 ноябрда архивланган.

22. Евгений Глущенко. Забт этилган маконни ташкил этиш. Россия Марказий Осиёда.

Истилолар ва ўзгаришлар. Россия тарихи. Кутубхона. Мурожаат килинган сана: 2022 йил 3 ноябр. 2023 йил 26 сентябрда архивланган.

23. Мечислав. Марказий Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши. 8-қисм. Таъкиб. Мурожаат килинган сана: 2022 йил 3 ноябр. 2022 йил 3 ноябрда архивланган.

24. Катталик тартиби бўйича генераллар рўйхати. — Санкт-Петербург, 1898 йил.

25. Тубишки — буюк генералнинг кичик ватани. Мурожаат килинган сана: 2024 йил 10 апрель. 2024 йил 10 апрелда архивланган.

26. Масленников Б. Г. Денгиз харитаси сўзлайди. Н. И. Смирнов таҳрири остида. — 2-нашр, қайта ишланган ва тўлдирилган. — Москва: Воениздат, 1986. — 227-бет. — 35 000 нусха.

Адабиётлар

Слонимский Л. З. Черняев, Михаил Григорьевич // Брокгауз ва Ефроннинг Энциклопедик лугати: 86 жилдда (82 жилд ва 4 қўшимча). — Санкт-Петербург, 1903. — XXXVIIIa жилд. — 694–695-бетлар.

Михайлов А. Михаил Григорьевич Черняев: Биографик очерк. — Санкт-Петербург: Б. Авидоннинг типо-литографияси, 1906. — 165 бет.

Глуценко Е. А. Империя кахрамонлари. Россия мустамлакачилик арбобларининг портретлари. — Москва: XXI аср — Согласие, 2003. — 464 бет.

Корнеев В. В. «... мен забт этган ўлкадан чикиб кетишга ҳеч нарсам йўқ эди ...» // Харбий-тарих журнали. — 1998. — № 5. — 72–82-бетлар.

Лебедев С. В. Болкондаги славян қўшинининг Архистратиги. Михаил Григорьевич Черняев (22.10.1828—04.08.1898) // Харбий-тарих журнали. — 2004. — № 2. — 66–69-бетлар.

Замонавий рус давлат арбоблари альманахи. — Санкт-Петербург: Исидор Гольдберг босмахонаси, 1897. — 1230—1231-бетлар.

Черняев Михаил Григорьевич // 1898 йил 1 январь ҳолатига қўра катталик тартиби бўйича генераллар рўйхати. — Санкт-Петербург: Харбий босмахона, 1898. — 134-бет.

Халфин Н. А. Россиянинг Марказий Осиёдаги сиёсати (1857—1868). — Москва, 1960.

Южиков Ю. Д. Тошкентнинг эгалланишининг ўн олти йиллиги. (Қадимги туркистонликнинг хотиралари). — Санкт-Петербург, 1881.

«Новое Время» газетасидаги некрологлар, № 8060 (1898 йил 5 август) ва № 8069 (1898 йил 15 август).

«Правительственный Вестник» газетасидаги некролог, № 171 (1898 йил 8 август).

Shoshana Keller. To Moscow, not Mecca: The Soviet Campaign Against Islam in Central Asia, 1917—1941. Greenwood Publishing Group, 2001. ISBN 0-275-97238-0. (инглиз тилида).

Абу Муслим профессор